


Бир гурух шахслар муддатидан илгари озод этилди



Бугунги кунда аҳоли ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, билиб-бilmай жиноят содир этган фуқаролар билан тизимли ишлаш, уларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жиноят ишлари бўйича Термиз туман судида пробация рўйхатида бўлган жазо муддатини ўтаётган, яхши хулқли, тузалиш йўлига кирган ва чин дилдан пушаймон бўлган бир гурух шахслар шартли равишда озод этилди.

Суд давомида фуқароларга мамлакатимизда суд-хуқуқ тизимидағи ислоҳотлар ҳамда фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтилди.